



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА АКТИВ ВА ПАССИВ ОПЕРАЦИЯЛарни БОШҚАРИШДАГИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

doi:https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a9

**Мўминова Маъсуда Бахтияровна -
ТДИУ III-босқич докторанти**

Аннотация: Ушбу мақолада тижорат банкларида актив ва пассив операцияларни бошқаришда хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг назарий қарашлари ва банк ходимлари, мижозлари билан ўтказилган эксперт таҳлили ёритилган. Шунингдек, маматимиздан фаолият юритаётган тижорат банкларининг актив ва пассив операцияларини бошқаришдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари таклиф этилган.

Калим сўзлар: тижорат банки, актив операция, пассив операция, инновацион башқарши, депозит, кредит.

ПРОБЛЕМЫ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ АКТИВНЫХ И ПАССИВНЫХ ОПЕРАЦИЙ В КОММЕРЧЕСКИХ БАНКАХ И ПУТИ ИХ РЕШЕНИЯ

**Мўминова Маъсуда Бахтияровна -
докторант III-курса ТГЭУ**

Аннотация: В данной статье описаны теоретические взгляды зарубежных и отечественных экономистов на управление активными и пассивными операциями в коммерческих банках, а также экспертный анализ банковских служащих и клиентов. Также предложены проблемы в управлении активными и пассивными операциями коммерческих банков, действующих в нашей стране, и пути их решения.

Ключевые слова: Коммерческий банк, активные операции, пассивные операции, инновационное управление, депозит, кредит.

PROBLEMS IN MANAGING ACTIVE AND PASSIVE OPERATIONS IN COMMERCIAL BANKS AND WAYS TO OVERCOME THEM

**Muminova Masuda Bakhtiyorovna -
TSUE III-stage doctoral student**

Annotation: This article describes the theoretical views of foreign and domestic economists in the management of active and passive operations in commercial banks and the expert analysis conducted with bank employees and customers. Also, the problems in the management of active and passive operations of commercial banks operating in our country and ways to solve them are proposed.

Keywords: Commercial bank, active operation, passive operation, innovative management, deposit, credit.

Кириш. Мамлакат иқтисодий ривожланишининг асоси молия бозори иштирокчилари фаолиятини самарали йўлга қўйиш ҳисобланади. Асосий молиявий дастаклардан бири бўлган банк тизимининг барқарорлиги, ликвидилиги ва даромадлилиги ҳар бир тижорат банки учун долзарб аҳамият касб этади.

Айниқса ҳозирги иқтисодий ҳолатда кўпгина давлатларда давом этажсан COVID-19 пандемияси орқали молиявий инқироз кўлами кенгайиши мамлакатларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни мукаммалаштириш ва банк-молия соҳасининг барқарорлигини оширишни тақозо этмоқда.

Шундай экан, бу ҳолатда молия бозори иштирокчилари фаолиятини, корхона, ташкилот ва ишлаб чиқариш жараёнларининг узвийлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда банк тизимини барқарорлиги ва ликвидилигини таъминлаш, шунингдек, ички ва ташки рискларга қарши "ҳимоя ёстиқчаларини"

шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Бироқ банк тизимида ҳали ўз ечимини топмаган муаммолар мавжуд бўлиб, бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёев "...давлат банклари кредит портфелининг ярмидан кўпи 5 та йирик давлат корхонаси ҳиссасига тўғри келади. Ҳанузгача эскирган дастурий таъминотлардан фойдаланаётгани учун банк хизматлари сифати талаб даражасида эмас.

Тизимда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида банклар фаолиятида давлат иштироки босқичма-босқич қисқартирилмоқда. Хусусан, давлат дастурлари доирасидаги кредитлар фоизи қайта молиялаш ставкаси билан тенглаштирилди ва 2021 йилдан тўлиқ эркинлаштирилиши белгиланди. Бу банкларни кўпроқ мижоз топиш, ресурс жалб қилиш, кредит ажратиш бўйича изланишга, ривожланишга ундейди"[1] деб таъкидлади.

Юқоридаги муаммоларни хал этишда банклар олдига банк тизимини трансформация-

лаш ва ислоҳ қилиш, хорижий мамлакатларнинг молия секторини трансформация қилиш тажрибаси асосида ва молиявий соҳадаги жаҳон тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда фаолият юритиш, муаммоларга ечим излаш йўллари белгилаб берилган. Банк тизимини янада ривожлантириш кўзда тутилган ва тутилмаган инқизорзларга қарши ҳимоя ёстиқчаларини шакллантириш стратегик ечимларни излаб топиш ва жорий этиш орқали амалга оширилмоқда. Бу эса ўз навбатида, тижорат банкларининг даромади, барқарорлиги ва ликвидлилигига ижобий таъсир кўрсатади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, банк актив ва пассив операцияларни бошқариш тизимини тўғри йўлга қўйиш уни баланслаштириш, рискларни камайтириш, ресурсларни самарали жойлаштириш тижорат банклари олдида ги долзарб вазифалардан биридир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Тижорат банкларида актив ва пассив операцияларни бошқариш борасида иқтисодчи олимларнинг назарий қарашларини таҳлил қилас эканмиз, хорижлик иқтисодчи олим Д.Хоган [2] – турли сўровнома усуллари ёрдамида, узоқ муддатли омонатларга эга мижозлар, уларнинг қарз ва облигация портфелининг ҳажми ва таркиби, уларнинг капитал ва даромаднинг мақбуллиги ўртасидаги алоқа мавжудлигини кўрсатган. Унинг асосий хulosаси шундан иборатки, банк учун ссуда бўйича харажатлар ўртача омонатлар миқдори ва улар банқда сақланадиган вақт билан белгиланади. Д.Хогеннинг фикрига кўра, банклар нафақат актив портфели таркибини, балки омонат/ссуда нисбатини бошқариши керак, бунда бошқарув жараёни статик эмас, балки динамик тавсифга эга бўлиши лозим, деб ҳисоблади.

Хусусан, хорижлик иқтисодчи олим У.Шарп эса кейинги тадқиқотлар учун бошлангич нуқтаси сифатида Г.Марковиц тадқиқот натижалари ишлатилади, тадқиқот жараёнида у Марковиц моделининг молиявий активлар нархларига таъсир кўрсатишини аниқлаган. Ҳар бир рискли активнинг талаб ва таклифини мувозанатлаштириш мақсадида молиявий активларнинг нархи исталган вақтда ўзгаришини фараз қилиб, у рискли активлар бўйича кутилаётган даромадларнинг ўзига хос хусусиятига эга бўлиши кераклигини кўрсатади [3].

Шунингдек, иқтисодчи олим С.М. Илясов қўйидаги таърифи беради: "Актив ва пассивни бошқариш жараёни руҳсат этилган максимал миқдордаги ресурслар (ўз ва қарз маблағлари)ни жалб қилиш ва уларни ликвидлик даражасига ва чекланган риск даражасига эга энг фойдали активларга жойлаштиришга қаратилган" [4].

Шунга ўхшаш ғояни иқтисодчи олим

Е.В. Велик ҳам илгари суради: "... актив ва пассивларни бошқаришнинг асосий мақсади кредит муассасасининг тўлов қобилияти ва ликвидлигини таъминлашда киритилган капиталдан қисқа ва узоқ муддатда максимал даражада фойда олишдан иборат" [5].

Иқтисодчи В.Ю.Полушкин қўйидагиларни қайд этади: "Актив ва пассивларни бошқариш молиявий менежментнинг ажралмас қисми бўлиб, банк институтларининг молиявий рискларини минималлаштирга имкон беради". Бу таъриф хорижий муаллифларнинг талқинига яқин, чунки актив ва пассивни бошқаришга бўлган муносабат рискларни минималлаштириш нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Яна В.Ю.Полушкиннинг фикрича, "Банк операцияларининг барқарор даромадлигини таъминлаш мақсадида самарали ва мувозанатлашган ҳолда актив ва пассивни бошқариш банкнинг молиявий ҳолати ва кредитга лаёқатлиигини якуний баҳолаш даражасини оширади" [6].

Иқтисодчи олима И.В. Ларионованинг нуқтаи назари ҳам биз учун қизиқ бўлиб, унинг фикрича, банкнинг актив ва пассивини бошқариш риск ва даромадлилик ўртасидаги алоқани етарли тушунишдан иборат ва банкнинг баланс таркибини бошқаришни; атроф-муҳит параметрларига кўра баланс таркибидаги оператив ўзгаришлар; молиявий стратегияда белгилangan риск қийматлари доирасида фойдани максималлаштириши ўз ичига олади [7].

Фикримизча, банкнинг актив ва пассив операцияларини ёки банк портфелини бошқариш белгилангандан риск қийматлари доирасида фойдани максималлаштиришга қаратилган унинг таркибини бошқариш ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақолада хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий ишлари, илмий монографиялари, ўқув қўлланмалари ва мақолаларини таҳлил қилиш, тижорат банкларининг статистик таҳлиллари, жадвалларни аналитик таққослаш, гуруҳлаш, миқдор ва сифат кўрсатиличларни ҳисоблаш, уларни бир-бири билан солишиши каби услублардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Тижорат банкларининг асоси мижозлар учун пулни самарали бошқариш ҳисобланади. Бошқарув бизнесида кучли инвестиция кўрсаткичлари, самарали пул бошқаруви, мижозга эътибор, таълим, шунингдек, махсус тажриба ва мижозлар учун энг муҳим бўлган соҳаларда ечимларни талаб қилади.


Ҳар бир тижорат банкida мижозларни жалб қилиш, банкга ўргатиш ва мижозларни сақлаб қолиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки банк мижозлар мавжудлиги учун мавжуд эканлигини унутмаслик лозим. Шу сабабли ҳам биринчи урғуни мижозларга бериш керак. Мижоз-

лар – улар жисмоний шахслар, муассасалар ёки молиявий маслаҳатчилар бўладими банкларда ҳар ҳафта бошида душанба куни эрталаб йиғилиш билан бутун дунё бўйлаб молия бозорлари, иқтисодиёт, хукуматлардаги воқеалар, банк мижозлари ва уларнинг портфеллари учун натижаларни муҳокама қилиш муҳимдир. Бу жараённи йўлга қўйиш орқали тижорат банклари назоратни кучайтирадилар ва келиши мумкин бўлган рискларнинг олдини оладилар.

Банк мижозлари ва ходимлари фикрига кўра, инновацион банк деганда банк хизматларини он-лайн амалга ошириш бўйича жавоблар ёзилган. Шу билан бирга энг кўп замонавий технологиялар билан таъминланган банк бугунги кунда инновацион банк номига муносиблиги сўровномада акс этирилган. Аксарият жавобларда замонавий операцияларни жорий этиш ва улар-

ни тезкорлиқда амалга оширилиши мижозлар учун қулайликлар ва янгиликларни татбиқ этиш орқали инновацион банк фаолиятини асоси эканлиги таъкидланган.

Кўйидаги сўровномада хужжатлаштириш ишларини тўлиқ электорон тарзда бўлиши, банк хизматларини кенгайтириш мақсадга мувофиқлиги ва инновацион банк тизими банкни юқори даражадаги самарадорлигини таъминлаши лозимлиги акс эттирилган. Яна қувонарлиси мижозлар инновацион банк тизими инновацион лойиҳаларни молиялаштиришга қаратилган бўлиши керак деган фикрларни билдирганлар. Сўровномада баъзи мижозлар инновацион банк бўйича тушунчага эга эмасликларини билдирганлар. Ачинарлиси баъзи банк ходимлари ҳам бу бўйича тушунчалари шаклланмаганлиги бўлди.




1-расм. Банк ходимлари ва мижозлари учун инновацион банк фаолияти таркиби[8]

Хориж тажрибасини кузатсак, банк ходими ўз вазифаларидан ташқари инновацион ғоялари билан банк тизимини ривожланишига ўз хиссасини қўшади. Шунингдек ўз банкидаги мавжуд муаммоларни ечимини ўзи излаб топиши лозимдир. Ҳар бир ходим ўз иш жойидаги муаммоларни бошқалардан кўра яхши билади ва унга қандай ёндашув лозимлигини ҳам яхши тушунади. Албатта мотивация банк ходимини янада фаоллаштиради. Мамлакатимиз банк тизимида ҳам худди шу ёндашувни қўллаш мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги сўровномада банк ходимларининг актив операцияларга доир муаммолари акс этирилган. Асосий муаммоларга кредит бериш жараёнининг узоқлиги мижозлар учун нокулай-

ликлар келтириши ёритилган. Шу билан бирга барқарор ресурсларнинг етишмаслиги банк рискларини оширишга олиб келиши акс этирилган. Актив операцияларга муаммоли кредитларнинг таъсири юқорилиги бўйича ҳам кўпгина жавоблар ёзилган.


Бугунги кунда кредитлар фоизи юқорилиги мижозлар норозлигига олиб келаётгани хориж амалиётида паст фоизларда кредитлар берилиши, кредит фоизини ҳам қайта кўриб чиқиш лозимлигини кўрсатади. Шунингдек, мижозлар маълумотини ўзида мужассамлаштирган ягона база мавжуд эмаслиги ҳам актив операцияларга доир муаммоларни келтириб чиқариши акс этиган.



2-расм. Тижорат банкларида актив операцияларга доир муаммолар [9]

Мавжуд рискларни бошқариш усуллари мавжуд эмаслиги, маркетинг стратегиялари такомиллашмагани рекламининг сустлиги ҳам кўрсатилган. Банк ходимлари бугунги кунда банк тизимида хали хануз бюракратияга йўл қўйилаётганини ҳам танқид қилганлар. Актив операцияларда диверсификацияга эътибор бериш кераклиги ва инвестицион кредитларни та-

комиллаштириш лозимлиги қайд этилган. Банк ходимлари орасида электрон навбат ўрнига жонли навбатни йўлга қўйишни ёқлаганларни ҳам кузатиш мумкин. Актив операциялар бўйича асосий урғу кредит операциясига қаратилганини ҳам бугунги кунда актив операциялари диверсификаланмаганининг ёрқин исботи бўла олади.



3-расм. Тижорат банкларида пассив операцияларга доир муаммолар [10]

Ушбу сўровномада тижорат банкларида пассив операцияларга доир муаммолар ёритилган бўлиб унда банк ходимлари ресурсларни

жалб қилиш бўйича муаммолар мавжуд бўлиб, аниқ стратегиянинг йўқлиги, мижозлар учун омонат турларининг камлигини ёртишган. Асо-

сий муаммоларга қоғозбозликни күплиги, масофадан бошқаришни такомиллашмагани бу эса банк мижозларининг норозиликларига сабаб бўлаётгани ва омонатчиларни қўйилган маблағларни муддатдан аввал олишлари рискларни келтириб чиқариши бу актив операцияларга ҳам ўз таъсирини кўрсатиши изоҳлаб берилган. Пассив операцияларга доир муаммоларга яна фоизларни камлиги уларни инфляция суръатларига ҳамоҳанг тарзда қўйилмагани, шу билан бирга ресурслардан унумли фойдаланмасликка доир камчиликлар ёритилган.

Пассив операциялар таҳлили орқали биз диверсификация муаммоси мавжудлиги фақатгина омонат ва жамғарма операцияларни амалга ошириш жараёнлари билан чегараланганини кўришимиз мумкин. Қимматли қоғозлар билан операцияларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек ишонч муаммоси мавжудлиги ҳам таъкидланган. Актив ва пассив операцияларга доир муаммоларни ҳал этишда албатта қўргина усувларни комбинациялаштирган ҳолда амалга ошириш ижобий натижа беради.



4-расм. Тижорат банкларида актив операцияларни инновацион бошқаришга доир таклифлар [11]


Юқоридаги сўровномада банк ходимларининг таклифлари акс этган. Тадқиқотимиз объектлари бўлган банкларда ўтказилган. Аксарият жавобларда инновацион бошқаришда ходимлар актив операцияларни бажаришда масофадан туриб бошқариш, он-лайн кредит турлари ва салмоғини кўпайтириш бўйича таклифлар берилган. Шу билан бирга ягона базани шакллантириш бунда мижоз бўйича барча маълумотлар киритилишини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқлигини акс эттирганлар. Кредит бериш жараённинг узоқлигини қарор қабул қилиш механизмини тезлаштириш кераклиги, банкларда кредит сиёsatини қайta кўrib чиқиш ва такомillashchireshi лозимлиги қайд этилган. Мижозларга масофадан хизмат кўrsatiш бўйича иловаларни соддалаштириш ва мижозларга бу бўйича тушунчаларни шакллантириш кераклиги таъкидланган. Корпоратив мижозларга кредит беришда б'urokratiyani kamaitireshi, юридик шахсларга kontokorekt кредитларни жорий этиш бўйича таклифлар берилган. Яна бир муҳим жиҳати кредит фоизларини қайta кўrib чиқиш масаласи ҳам энг кўп берилган таклифлардан бири ҳисобланади. Банк ходимлари актив

операцияларни бошқариш бўйича бўlim очилиши лозимлигини таъкидалаганлар.

Ушбу сўровномада банк ходимлари пассив операцияларни инновацион бошқаришга доир таклифларини беришган. Бунга кўра пассив операциялар ҳам тўлақонли он-лайн тизимига ўтиш лозимлиги, мижозлар қўйиган омионатларини сарсонгарчиликлариз олишларини йўлга қўйиш лозимлиги бу тизимни ҳам масофадан бошқариш мақсадга мувофиқлиги таъкидланган.

Шу билан бирга депозитларни жалб қилишда мобил иловалардан фойдаланиш, қулай шартлар асосида ишлатишга осон дастурларга ўтиш лозимлиги қайд этилган. Банк ходимлари пассив операцияларни жозибадорлигини оширишда янги хизмат турлари ва маҳсулотларини яратиш бугунги кунда хорижий банклар амалиётини қўллаш ижобий натижа бериши кўрсатилган.

Шу ўринда актив ва пассив операцияларда баланс тенглик бўлиши шартлигини кўрсак, кредит ва депозитлар кесимини сўровнома орқали таҳлил қилсан, банкка маблағ қўйган мижозлар камлигини кўришимиз мумкин.



5-расм. Тијорат банкларида пассив операцияларни инновацион бошқаришга доир таклифлар[12]

Сўровнома натижасига кўра, кредит операциялардан фойдаланувчилар 22 фоиз бўлса, фойдаланмайдиганлар 33 фоизни ташкил этди. Депозитлардан фойдаланмайман деб 48 фоиз, фойдаланаман деб, 7 фоиз мижозлар сўровномада жавоб берган. Бунда депозит операцияларидан фойдаланмайдиганлар фойдаланадиганлардан 7 баробарга кўплигини, ередит операцияларида эса бу кўрсаткич 1,5 баробарга кўплигини кўрамиз мумкин. Депозитлар улуши кредитларга нисбатан 3 баробарга кам бўлиб, сўровномада мижозларнинг кўпчилиги ортича маблағим йўқ деган жавобни берганлар.

Бугунги кунда банкларга маблағларни жалб қилиш жараёнида аҳолининг даромад даражаси тебранишлари ҳам ташқи омил сифатида муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, банк тизимида фоиз ҳаром деган тушунча мижозларимиз орасида кўп учраб турибди. Исломий банклар тизимини жорий этиш ва банк мижозларини талабларига жавоб берадиган битимларни ташкил этиш бугунги кун талаби бўлиб қолмоқда. Ҳали хануз банкларга ишончсизликлар ва норозиликлар сўровномада акс эттирилган. Жалб этилаётган ресурсларнинг барқарорлигини таъминлаш ва ресурслар рискларининг олдини олиш мақсадида муддатли омонатларни жалб этишини такомиллаштириш лозим.


Юқоридаги сўровнома таҳлили натижаларида мулкчилик шаклига кўра уч хил тијорат банклари мижозлари хизмат кўрсатувчи банк ходимлари фаолияти бўйича ўз фикрларини билдирганлар. Ушбу сўровномада хусусий мулкчилик шаклига эга Трастбанк мижозлари банк ходимлари фаолиятидан миннатдорлигини акс эттирилганлар. Фақат бир фоизгина мижоз талабга жавоб бермайди, деган жавобни берган, аъло даражада деган жавобни ҳам Трастбанк юқори кўрсаткичда олди.

Ўзсаноатқурилишбанк мижозлари ораси-

да 5 фоизи банк ходимлари фаолияти талабга жавоб бермайди деган жавобни берган. Қисман жавоб беради деган мижозлар 8 фоизни, талабга жавоб беради деган жавоб 27 фоизни ташкил этган. Бундан хусусий банкларда мижозларга хизмат кўрсатиш даражаси юқори эканлигини кўриш мумкин.

Албатта банк мижозларига ҳар томонлама яхши ва сифатли хизмат кўрсатиш ҳар бир банк ходимининг асосий вазифаси бўлиши лозим. Актив ва пассив операцияларни инновацион бошқариш методологиясини такомиллаштиришда ушбу омилларнинг таъсири жуда юқори. Кўп жараёнлар инсон омилига боғлиқ бўлгани сабабли банклар мижозларни кўпроқ жалб этиши бунда ходимларнинг билим ва малакаси етарлилиги муҳим аҳамият касб этади.

Қўйидаги жадвалда банк ходимлари ва мижозлари томонидан банк фаолиятидаги муаммолар акс эттирилган. Ҳар бир банкда ўзига хос муаммолар бўлиб, аксарият муаммоларни банк ходимлари ёритганлар. Банк тизимидағи қоғозбозликни кўплиги ҳали ханузгача мавжудлиги он-лайн кредит ва депозит операцияларни такомиллашмаган, дастурларни яхши ишламаслиги, мижозларга тушунарли соддалаштирилмагани асосий муаммолар сифатида келтирилган. Шу билан бирга кредит ва хизмат турларидаги фоизлар юқорилиги, муаммоли кредитларни ҳал этишда банк учун қўшимча харажатлар келтириб чиқариши, уларни тизимлаштириш лозимлиги акс эттирилган. Мижозлар томонидан кўп ҳолларда банкларда тезкорлик этиш маслиги вақт масаласи, навбат кутиш масалалари ёртилган. Тијорат банкларининг филиалларидан олинган сўровномаларда бош банкнинг рухсатини кутиш кўп масалларда эркинлик йўқлиги, ойлик маошлар пастлиги ва филиаллар бино иншоотлар кичиклиги бўйича муаммолар кўрсатилган.



6-расм. Банк ходимларининг фаолияти талабга жавоб бериш кесими [13]

Давлат улушига эга банкларда ҳокимият ташкилотларининг банк фаолиятига аралашуви, ходимлар маҳалла ва ҳокимият вазифалари асосида юриши натижасида ходимларнинг етишмаслиги акс эттирилган. Тизимга оид муаммолар, ҳамда электрон навбатни ташкил этиш лозимлиги кўрсатилган. Маркетингга ёттибор қаратилмаслиги, бошқарув стратегияларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлиги акс эттирилган.

Хулоса ва таклифлар. Банк ходимлари ва мижозлар фикрини ўрганган ҳолда мижозларни банкка жалб этишда инновацион хизмат турларини янада кенгроқ жорий этиш, мижозларнинг вақтини тежаш мақсадида банкларда кенг миқёсда рақамлаштириш чораларини кўриш, аввало, аҳоли ва хўжалик субъектларининг банк тизимига ишончини оширади. Қолаверса, банкларга мижозларни жалб этиш самарадорлигини оширади. Банк ходимлари ва мижозлар таклифларини ўрганган ҳолда қўйидаги хулосалар шакллантирилди:

- банклар давлатга эмас, аҳолига ён босиши, давлат аралашувини чеклаш, банк мустақиллигини таъминлаш аҳоли манфатларини ҳисобга олиши лозим ва хорижий банклар билан алоқаларни мустаҳкамлаш орқали янги банк маҳсулотлари билан бойитиши лозим;

- корпоратив ва йирик мижозларни банкка жалб қилиш, VIP мижозлар учун менежер биринчириш, "Банк-мижоз" дастурини яхшилаш;

- тизимни янгилаш, ислом банклар тизи-

мини жорий этиш, аҳоли ишончини қозониш, сирли мижозларни олиб ташлаш, IABS тизимида охирига етмаган функцияларни такомиллаштириш, ташқи операцияларни янги дастурлар орқали такомиллаштириш;

- кредит скорингини қўллаш, кредит портфелини соғломлаштириш, банк филиалларига кредит бериш ваколатини ошириш, кредит фоизларини камайтириш, ипотека кредитларини фоизларини камайтириш;

- актив ва пассив операцияларнинг мутаносиблигини таъминлаш, инновацион хизмат турларини кўпайтириш, комиссион фоизларни камайтириш;

- жамғармаларга пул оқимини таъминлаш, мижозларга имтиёзли таърифлар бериб жалб қилиш, банк навбатларини қисқартириш, қоғозбозликни камайтириш, доимий мижозлар учун имтиёзлар бериш;

- банк ходимларини рағбатлантириш ва қўллаб-куватлаш, иш ҳақини ошириш, банк ходимларининг нафақат молиявий саводхонлиги, балки IT ва психологик билимларини ҳам ошириш, банк бошқарув органларида ҳам шундай сўровномаларни тез-тез ўтказиш;

- банк иловасига ҳисоб рақамга тўловлар ва халқаро тўловларни киритиш, чакана банк хизматларини кўпайтириш, электрон имзони жорий этиш, маркетинг реклама хизматларини такомиллаштириш, Call center орқали маълумотлар олиш тизимини такомиллаштириш лозим.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

- [1. *https://pv.uz/uz/news/opredeleny-zadachi-po-povysheniju-investitsionnoj-aktivnosti-bankov*](https://pv.uz/uz/news/opredeleny-zadachi-po-povysheniju-investitsionnoj-aktivnosti-bankov)

2. Hogan D. Commercial Bank Loan and Investment Policy. University of Illinois, 1963.

3. Sharpe W.F. Capital Asset Prices: A Theory of Market Equilibrium under Conditions of Risk// Journal of Finance. 1964. September. P.425-442.

4. Ильясов С.М. Управление активами и пассивами банков. // Деньги и кредит, 2000. №5. С.20.

5. Велик Е.В. Рейнжиниринг процесса управления активами и пассивами. // Бухгалтерия и банки, 2001. №9. С.36.

6. Полушкин В.10. Анализ стабильности управления активными и пассивными операциями в коммерческом банке. // Бухгалтерия и банки, 2001. №1. С.40.

7. Ларионова И.В. Управление активами и пассивами в коммерческом банке. – М.: Консалтбанкир, 2003. С.5.

8. 9.10.11.12.13. Сўровнома маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.